ЎЗБЕК ТИЛИДА ДЕЙКТИК СЎЗЛАР ҲАҚИДА

Д.НУРМОНОВА, С.НУРМОНОВА

В статье, опираясь на взгляды ведущих лингвистов, освещается суть проблемы дейксиса (т.е. лексических единиц, не имеющих денотативного значения) и рассматриваются особенности дейктических слов в узбекском языке.

In this article was learned the sights of the conducting linguists, the essence of the deistical problem is covered (i.e. lexical units which are not having the donatives meanings) the feature deictically of words in the Uzbek language and are considered.

Сўз тушунчаси жонли нутқда ҳамма учун тушунарли бўлса ҳам, лекин тилшунослик фанида атама сифатида ўта мавҳум маънога эга. Шу кунгача мавжуд адабиётларда сўзнинг моҳиятини аниқлашда унинг турли белгилари эътиборга олинади. Сўзнинг муҳим фарқловчи белгилари сифатида “тушунча ифодалашлик”, “шакллий яхлитлик”, “фонетик бир бутунлик” белгилари эътироф этилади.

Агар бу белгиларга жиддий эътибор берилса, уларнинг ҳаммаси мустақил сўзларга хос бўлиб, “ёрдамчи” номи билан юритилувчи сўзлар бундай белгиларга эга эмас. “Тушунча” ифодалаш белгиси мустақил ва ёрдамчи

сўзларни фарқловчи асосий белги саналиши анъанага айланган. Шунинг учун ҳам мустақил сўзларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни “семантик учбурчак” орқали ифодалаш одат тусига кирган. Бу семантик учбурчакда мустақил сўз орқали ифодаланаётган борлиқ парчаси “денотат”, денотатнинг онгда акс этган умумлашган образи, яъни тушунча “сигнификат”, сигнификатнинг товуш ёки товуш комплекси воситасида ифодаланиши “экспонент” деб юритилади. Лекин мустақил сўзларга ана шу семантик учбурчак нуқтаи назаридан ёндашсак, уларнинг барчаси ҳам сигнификат ва денотатга эга эмаслигининг гувоҳи бўламиз.

Мустақил сўзлар таркибида шундай сўзлар борки, улар объектив борлиқдаги бирор нарса-ҳодиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатни номламайди. Яъни улар денотатив ва сигнификатив маънога эга эмас. Шунинг учун рус тилшуноси Н.Д.Арутюнова сўзларни денотатив маъносининг бор ёки йўқлик белгисига кўра дескриптив ва нодескриптив сўзларга бўлади [1;7]. Бу зидланишда дескриптив сўзлар денотатив маънога эгалиги, нодескриптив сўзлар эса эга эмаслиги билан характерланади.

Машҳур инглиз файласуф-тилшуноси Б.Рассел дескриптив сўзларни индикатив (“кўрсатиш”) сўзлар атамаси билан номлаб, уни ноиндикатив сўзлардан ажойиб ўхшатиш орқали фарқлайди.Унинг фикрича, *шер* сўзининг маъносини болага тушунтириш учун уни ҳайвонот боғига олиб бориб, мана бу *шер* деб кўрсатишингиз мумкин. Лекин *бу, ўша, балки* сингари сўзларни тушунтирадиган бундай ҳайвонот боғи мавжуд эмас [3;139].

Дескриптив сўзларнинг аташ маъноси контекст ва нутқий актдан ташқарида ҳам маълум бўлса, нодескриптив сўзларнинг маъноси контекст ва нутқий акт билан узвий боғлиқдир. Масалан, *тол, терак, қозон, қалам* сўзларининг объектив борлиқдаги нимани атаётганлигини англаш контекст ва нутқий акт билан боғлиқ эмас. Лекин *Аҳмад, Салим* сингари атоқли отлар, *у, бу, шу, мен, сен* сингари олмошлар, *кеча, эртага* сингари равишларнинг борлиқдаги нимани билдираётганлиги фақат контекст ва нутқий актда реаллашади. Шуни эътиборга олган Ф.Кифер лисоний бирликларнинг синтактик ва семантик томонини тавсифлаш билангина тилни тўлиқ изоҳлаш мумкин эмаслигини, тил фактларини контекст ва нутқий акт билан боғлиқ ҳолда ўрганишгина уни тўғри тушунишга имкон беришини, бундай вазифа эса прагматиканинг бош вазифаси бўлишини таъминлайди, деган эди [2;333].

Ҳозирги кунда гуманитар фанларда XIX аср бошларида немис файласуфи Фридрих Шлейермахер асос солган ва XX аср ўрталарида Ханс-Георг Гадамер томонидан ривожлантирилган герменевтика ҳамда Эдмунд Хуссерл томонидан олға сурилган феноменология йўналишлари таъсири маълум даражада кучайиб бормоқда.

Бунга структур тилшуносликнинг сўл оқими бўлган глоссематикларнинг ихлоси қайтганлиги, тилни бу усулда ўрганиш унинг экспрессив, прагматик томонларини ёритиб беролмаслигининг аён бўлиши сабабчи бўлди.

Дарҳақиқат, тилни имманент ўрганишда матн орқали ифодаланган тагмаънолар тадқиқотчи назаридан четда қолди. Уни соф структур схема сифатида ўрганиш реал хаётдан, эмоционал-экспрессив қувватидан маҳрум қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам сўнгги даврларда тилни реал ҳаёт билан боғлаб ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тилшуносликнинг филология даврида тадқиқотчилар диққат марказида турган матнларни талқин қилиш муаммоси кейинчалик лингвистикада ҳам, фалсафада ҳам (Кант фалсафасида ҳам) эътибордан четда қолган эди. Ана шу муаммо Ф.Шлеермахер томонидан жонлантирилди. Герменевтик доира деб юритилувчи фалсафий ғоянинг асосчиси бўлган Ф.Шлеермахернинг фикрича, бутунликка (матнга) хос бўлган руҳ унинг алоҳида қисмларида ҳам ўз таъсирини қолдиради. Бўлаклар бутунлик асоси сифатида, бутунлик эса бўлакларнинг ички уйғунлиги сифатида тушунилиши лозим [4;446]

Герменевтлар матнларни бўлиб ўтган воқеаларни тарихан англаш мақсадида таҳлил қилган бўлса, адабий, диний ва ҳуқуқий матнларга герменевтика фалсафасини ривожлантиришга таянч нуқта сифатида қараш билан бирга, инсонни тушуниш (Гадамер, Хайдеггер) масаласига эътибор қаратади.

Тилнинг белгилар системаси сифатида эътироф этилиши лингвистик белги назариясининг шаклланиши ва ривожланишига сабабчи бўлди. Лингвистик белги назарияси асосчилари ҳам лингвистик белгини уч жиҳатдан ўргангандаги-

на у ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлаган эдилар: 1) белгининг белги билан муносабати (синтактика); 2) белгининг борлиқ билан муносабати (семантика); 3) белгининг сўзловчи шахс билан муносабати (прагматика).

XX аср ўрталарида ривожланган структур тилшунослик тилни белгилар системаси сифатида эътироф этса ҳам, лекин асосий эътиборни унинг синтактика томонига қаратди. Орадан 15-20 йиллар ўтгач, структур тилшуносликнинг белгини синтактика нуқтаи назаридангина ўрганиши лингвистик белгининг тўлиқ тавсифини бермаслиги маълум бўлиб қолди. Натижада 60-70-йиллардан бошлаб лингвистик семантика ривожлана бошлади.

Семантик тадқиқотларнинг ривожланиши прагматиканинг шаклланишига йўл очди. Лингвистик бирликларнинг мазмуний томонини ўрганиш натижасида шу нарса аён бўлдики, айрим бирликларнинг маъноси нутқий вазият ёки контекст таркибидагина маълум бўлади. Нутқий вазият ёки контекстдан узиб олинса, у ҳеч нарсани билдирмайди. Ана шундай бирликларнинг маъносини нутқ вазияти ва контекст билан боғлаб ўрганиш лингвистик прагматиканинг шаклланиши ва ривожига йўл очди.

Н.Д.Арутюнова ва В.В.Падучаеваларнинг фикрича, нутқий акт ва контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам контекст билан нутқий акт ўртасидаги алоқа максимал кучайган жойда прагматикага эҳтиёж туғилиши ажабланарли эмас. Дескриптив сўзларнинг мазмуний таҳлили семантикага қараб, нодескриптив сўзлар таҳлили эса прагматикага қараб "тортади". *Чироқ* ёки *яшил* сўзларини тўғри қўллаш учун энг муҳим нарса тилдан ташқаридаги (экстралингвистик) объектни танлашда адашмасликдир. *Сен, ҳатто, бугун, бу ер, фақат, яна* ва бошқа сўзлардан ўринли фойдаланиш учун эса прагматик қуршов ҳақидаги билим жуда зарур бўлади.

Шундай қилиб, сўзлар денотатга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан иккига – денотатив йўналтирилган ва денотатив йўналтирилмаган сўзларга бўлинади. Биринчи типдаги сўзлар индикатив ёки дескриптив, иккинчи гуруҳдаги сўзлар эса индикатив бўлмаган ёки нодескриптив сўзлар саналади.

Биринчи гуруҳдаги сўзларнинг маъноси контекст ва нутқий актдан ташқарида ҳам маълум бўлса, иккинчи гуруҳдаги сўзларнинг маъноси контекст ва нутқий вазият билан кучли боғланган, шартланган бўлади. Индикатив бўлмаган, нодескриптив сўзлар маъносини ёритиш дейксис муаммосини келтириб чиқарди. Аташ маъносига эга бўлмасдан индикатив сўзларга ишора қилувчи индикатив бўлмаган (нодескриптив) сўзлар дейктик сўзлар ёки дейксис ҳисобланади. Дейктик элементлар маъноси, Ч.Моррис таъбири билан айтганда, нутқий вазият билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Биринчидан, бундай сўзларнинг денотатини аниқлаш контекстга ишора қилишни талаб қилади; иккинчидан, уларнинг лингвистик маъноси нутқий актга, контекстга мурожаат қилмасдан тавсифланиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам нодескриптив сўзлар иштирок этган жойда прагматик тадқиқотга зарурият кучаяди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Арутюнова Н.Д., Падучаева В.В. Истоки проблемы и категории прагматики. – Новое в зарубежной лингвистике. XVI.- М.,1985.- С.7
2. Кифер Ф. О роли прагматики в лингвистическом описании. – Новое в зарубежной лингвистике. Т.XVI.- М., 1985.- С.333.
3. Рассел Б. Человеческое познание.- М., 1957.- С.139
4. Скирбокк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Т., 2002.- Б.446

Андижон давлат университети,
2009 йил 15 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. А.Собиров)